



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2014-yil, 11-noyabr. Seshanba 131 (31.878) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш тарафдори

Илгари хабар қилинганидек, Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VIII қурултойи бўлиб ўтди. Унда партиянинг ўтган беш йилдаги фаолияти таҳлил этилди. Янги Сайловолди дастури қабул қилиниб, олдинда турган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Қурултой кун тартибидан ўрин олган масалалар, делегатлар билдирган фикр-мулоҳазалар партия фаоллари орасида кенг муҳокама қилинмоқда.



Янги таклифлар ва устувор вазифалар

2

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн олтинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси 2014 йил 13 ноябрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2014 йил 12 ноябрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсесида рўйхатга олинади.

БАНДЛИК — 2015

Иш ўринларининг асослари ва кафолатлари йилдан йилга мустақамланмоқда

Яқинда парламент Қонунчилик палатаси мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ бир қатор муҳим қонуни ҳужжатлари, хусусан, 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини қабул қилди. Энди мазкур Дастур Олий Мажлис Сенатининг шу ҳафта бўлиб ўтадиган ялпи мажлисида кўриб чиқилад.

Мухбиримиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Фахриддин РАЖАБОВ билан Дастурнинг аҳамияти, уни амалга ошириш механизмлари ҳақида суҳбатлашди.



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 135 та бир мандатли сайлов округи бўйича 135 нафар номзод кўрсатди

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

Тиббиёт ходимлари меҳнати доимий эътиборда

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга давлат сийсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан 2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Қонунга асосан ноябрь ойининг иккинчи яқшанбаси республикамизда тиббиёт ходимлари байрами сифатида кенг нишонланади.

Ушбу байрам муносабати билан Тошкент вилоят ҳокимлиги, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда вилоятда соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ишлар, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустақамлаш борасида фикр юритилди.

Бугунги кунда вилоятда соғлиқни сақлаш соҳаси ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Тошкент вилоят ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Сайёра Файзиёва. — Айниқса, тиббиёт муассасаларини модернизациялаш, замонавий илгор технологияларни изчил таъбиқ этиш доимий эътибор марказимизда. Хусусан, босқичма-босқич туман ва шаҳар тиббиёт муассасалари моддий-техник базаси мустақамланмоқда. Шунингдек, тизимда меҳнат қилаётган ходимлар меҳнатини рағбатлантириш масаласига ҳам жиддий аҳамият берилмоқда. Тиббиёт ходимлари кунини муносабати билан ўтказилаётган ушбу байрам тадбири ҳам ана шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.



Тошкент вилоят ҳокимлиги ҳамда фондимиз ўртасида мустақам ҳамкорлик ўрнатилган, — дейди «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди Тошкент вилоят бўлими раҳбари, ЎзХДП фаоли Баҳром Холдоров. — Бугун тиббиёт ходимлари байрами муносабати билан Ангрэн, Бекобод шаҳар, шунингдек, Бўстонлик, Зангиота, ҳамда Ўрта Чирчиқ туман тиббиёт бирлашмаларига фондимиз ҳомийлик маблағлари ҳисобидан «Дамас» тез тиббий ёрдам автомобиллари топширилди. Бу аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада оширишга хизмат қилди, деб ўйлайман.

Бугунги кунда туманимиз аҳолисига 2500 нафарга яқин тиббиёт ходими хизмат кўрсатмоқда, — дейди Зангиота туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори ЎзХДП аъзоси Равшан Сайдарипов. — Бирлашмамизга қарашли 30 қишлоқ врачлик пункти, 5 тиббиёт муассасасида тиббий-профилактика тадбирларини юқори савияда ташкил этиш баробарида касалликларга ташхис қўйиш ва самарали даволашда энг сўнгги технологиялардан фойдаланаямиз. Ушбу тадбирда жамоамизга «Дамас» тез тиббий ёрдам автомобиласи ажратилди. Бизга кўрсатилган бундай эътиборга муносиб бўлишга ҳаракат қиламиз.

Ўз мухбиримиз.

Ўз касбимдан фахрланаман

МУНОСАБАТ

Ўтган ҳафтада «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ташкил этилган кенг нишонланди. Президентимиз фармонида кўра, компания тизимида меҳнат қилаётган бир гуруҳ ходимлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

2014 йил 7 ноябрь куни давлатимиз раҳбари «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси жамоасига табрик йўллади. Унда мазкур соҳада олиб борилаётган ислохотлар, эришилган ютуқлар, навбатдаги вазифалар алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Юсуф ЗИЯЕВ,

Денов туманидаги 161-темирйўл машина бекати машинисти, Ўзбекистон Қаҳрамони, ЎзХДП фаоли:

— Президентимизнинг соҳа ходимларига йўллаган табригини эшитиб, тўғриси, қалбим фахр-ифтихорга тўлиб кетди. Темирйўлчиликни танлаганим, бутун умримни шу касб ривожини учун бағишлаганимдан мамнун бўлдим. Мен қарийб қирк йилдан буён шу соҳада меҳнат қилиб келаман. Бироқ, сўнгги йигирма йил давомида Ўзбекистон темир йўллари яхлит тизим сифатида юксак тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Шуни ишонч билан айтиш керакки, бугунги кунда мамлакатимизда барпо этилган темир йўл транспорти коммуникацияси дунёнинг ривожланган давлатлари билан бемалол рақобатлаша олади. Очиғи, бир мутахассис сифатида қисқа вақтда республикамизнинг бутун ҳудуди бўйлаб ягона темир йўл транспорт тизими шакллантирилишини тасаввур ҳам қилмаган эдим.

Президентимиз табригида қайд этилганидек, кейинги йилларда темирйўлчиларимизнинг куч-ғайрати билан 1 минг 100 километрдан зиёд янги темир йўл тармоқлари барпо этилди, 3 минг 800 километр йўл модернизация қилинди ва қайтадан ишга туширилди, қарийб 1000 километр темир йўл магистраллари электрлаштирилди. Ана шундай улкан бунёдкорликлар натижасида темир йўлларнинг умумий узунлиги 6 минг 500 километрга етди ва улар республикамизнинг барча минтақаларини қамраб олди...

Бу тарихий ишлар Президентимизнинг ташаббуси ва раҳбарлигида амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш керак. Жамоамиз ўтган давр мобайнида мураккаб шароитларда барпо этилган, 1 минг 500 метр баландликдаги тоғ довини орқали ўтказилган 223 километр узунликдаги Тошгузар-Бойсун-Кумўрғон янги темир йўл магистрални қурилишида иштирок этди.

Бугунги кунда транспорт коммуникация соҳасидаги яна бир гигант иншоот сифатида эътироф этилаётган, 19 километрлик темир йўл тоннелини ўз ичига оладиган Ангрэн-Поп йўналишидаги янги электрлаштирилган темир йўл тармоғини бунёд этиш ишларида ҳам қатнашмаямиз.

Юртимизда барча соҳаларда бўлгани каби темирйўлчилар меҳнати ҳам қадр топмоқда. Улар давлатимизнинг юксак мукофотлари, орден ва медаллари билан тақдирланмоқда. Бу эса соҳанинг жамиятдаги обрўси ошиши, ёшларнинг ўшу касбга бўлган қизиқиши ортishiда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Умуман олганда, темир йўл мамлакат иқтисодиётининг қон томири, ҳудудларни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омили саналади. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси тизимида меҳнат қилаётган инженер-техник ходимлар, йўлсозлар, машинистлар, саноят ва қурилиш корхоналари, шунингдек, ижтимоий инфратузилма объектларида меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчилардан иборат 70 минг нафар аҳил жамоа ана шуни чуқур англаган ҳолда, ўз олдига юксак мақсадлар қўйган. Уларни амалга ошириш учун барча имкониятларни ишга соламо.

«Ўзбекистон овози» мухбири Нурали ОРИПОВ ёзиб олди.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

Ўзбекистон Халқ демократик партияси

ўзининг VIII қурултойида аҳолининг манзилли ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришни янги босқичга кўтариш тарафдори эканини маълум қилди.



www.uzbekistonovozi.uz

Мен сайловда биринчи марта овоз бераман!

Юлдузой ЎРМОҢОВА, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети инглиз филологияси факультети I босқич талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси:

— Мен Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзосиман. Партия сафига киришимдан олдин ҳам ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказиладиган кўплаб тадбирларда иштирок этганман. Сийсатчилар, депутатларга

ҳавас билан қарардим. Улардек бўлишни ният қилардим. Партия аъзоллигига қабул қилинганим ана шу мақсадим йўлида қўйган дастлабки муҳим қадамим бўлди. Мана, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депу-

татлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар арасида турибмиз. Мамлакатимиз сиёсий ҳаётда бундай муҳим жараёнда биринчи марта қатнашаман. Депутатларни сайлашда менинг ҳам овозим ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини яхши биламан. Бунинг масъулиятини ҳис этиб турибман. Мен мустақил фикрлаб, аниқ мақсад билан овоз беришим керак. Чунки сайловда ҳар бир овоз ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ўз навбатида партиямиз эзгу гояларини тарғиб қилиш ишларида фаол қатнашмоқчиман.



ЎзХДП Марказий Кенгаши «Фаол аёллар» қаноти Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси, Тошкент шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масаласига бағишланган давра суҳбати ўтказди.

Тадбир тафсилотлари билан газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида танишасиз.



БАНДЛИК — 2015

Иш ўринларининг асослари ва кафолатлари

Йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда

— Жаҳон оммавий ахборот воситаларида дунёнинг айрим давлатлари бандликни таъминлаш масалаларига жиддий эътибор бермаётгани ёки тўғри йул тополмаётгани, оқибатда ишсизлик муаммоси янада чуқурлашиб кетаётгани ҳақида тез-тез таъкидланмоқда. Халқаро экспертлар ва мутахассислар ишсизликни камайтиришда энг муҳим вазифа — давлат ва жамият саъй-ҳаракатларини бирлаштириш лозим эканини айтипти. 2015 йилга мўлжалланган Дастурнинг умумий ҳусусиятларидан келиб чиқиб, шу масалалар ҳусусида нималар деяр олаёсиз?

— Эътибор берган бўлсангиз, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури дунёда молиявий-иқтисодий инқироз кучайган пайтда, яъни 2009 йилдан бери ҳукмат ишлаб чиққан лойиҳа асосида парламент томонидан қабул қилиняпти.

Дастурнинг шаклланиши ҳам бир неча босқичда амалга оширилмоқда. Аввал унинг кўрсаткичлари туман, шаҳарлар, кейин эса Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар миқёсида муҳомама қилиняпти. Шулар асосида мамлакат бўйича таҳлиллар ва маълумотлар умумлаштирилиб, ҳукумат томонидан дастур лойиҳаси ишлаб чиқилляпти. Дастурни шакллантиришда ҳудудларнинг ривожланиши ҳолати, иш ўринларига эҳтиёж, фуқаролар ва давлат имкониятлари ҳисобга олинапти. Дастурнинг ижро жараёни ва уни назорат қилиш механизми ҳам тақомиллашиб борапти. Бошқача айтганда, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларини самарали ҳал этишда барча ҳудудлар ва тармоқлар қамраб олинапти, давлат ва жамиятимиз саъй-ҳаракатлари шу масалага йўналтирилмоқда.

Дастур йўналишлари Халқаро меҳнат ташкилоти тавсияларига мувофиқ келади. Хусусан, унда ёшлар, меҳнат мигрантлари ва аёлларни ишга жойлаштириш юзасидан те-

гишли чоралар белгиланган. Умуман, бандлик дастури аҳолини иш билан таъминлашда муҳим ва самарали ҳужжат экани мутахассислар хулосаларида ҳам, ҳаётда ҳам ўз ибобини топмоқда.

— Битта янги иш ўрни очилиши, бир одамни ишга қилиш ҳам ўз-ўзидан бўлмайдими. Бунинг учун ишончли иқтисодий асос керак. Шу маънода Дастурга мувофиқ, 2015 йилда ташкил этилиши кутилаётган иш ўринлари ва уларнинг иқтисодий асослари ҳақида маълумот берсангиз.

— Дастурда кўзда тутилган иш ўринлари ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга қаратилган дастурлар билан узвий боғланган. Шу ўринда дастурнинг кўрсаткичларини иқтисодий жиҳатдан асослаш, яратилаётган иш ўринларининг ҳаққонийлигини таъминлаш бўйича ҳар йили жиддий ишлар қилинаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Келгуси йил мамлакатимизда жами 261,6 мингта янги иш ўрни ташкил этиш ҳамда 725,9 минг кишининг бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Янги иш ўринлари асосан саноатни, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳамда қишлоқ хўжалиги йўналишларини ривожлантириш ҳисобига яратилади. Иш ўринлари аниқ иқтисодий дастурлар билан асосланган. Уларнинг манбаси, ҳудуди ва муддати аниқ. Яратилиши кутилаётган иш ўринлари таснифлаб чиқилган.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш, яқна тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, уй меҳнатини ташкил этиш, фермер хўжалиқларини янада ривожлантириш ҳамда ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига ҳам аҳоли бандлиги таъминланади.

Бу ўринда эътиборга молик масала шундаки, мамлакатимизда йилдан-йилга мақсадли дастурлар асосида яратиладиган иш ўринлари кўпайиб борапти. Бундай иш ўринларининг барқарорлик кафолати мустаҳкам бўлади. Масалан,

келгуси йил юртимиз бўйича саноатда 115 мингдан ортиқ, хизмат кўрсатишда 67 мингга яқин, ишламай турган корхоналар фаолиятини тиклаш орқали 30 мингдан кўпроқ иш ўрни ташкил этилиши кутилмоқда. Ушбу рақамлар ўз навбатида иқтисодиётимиз барқарорлиги ошаётганини ҳам билдирлади.

— Парламент таклифларига биноан ўтган йилдан бошлаб Дастурда таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича чоралар кўзда тутилмоқда. Келгуси йилга мўлжалланган Дастурда меҳнат мигрантлари бандлигини таъминлаш масалалари ҳисобга олинган. Шулар ҳамда ҳам тўхталиб ўтсангиз...

— Дастурга мувофиқ 2015 йилда янги яратиладиган, шунингдек, бўш (вакант) ва захира қилинадиган (квота) иш ўринларига касб-ҳунар коллежларининг 487,7 мингга яқин битирувчисини (уларнинг маълум қисми олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттириши ва бошқа ҳолатларни инобатга олган ҳолда) ишга жойлаштириш мўлжалланган.

Битирувчиларни ишга жойлаштириш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳар бўйича махсус комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Уларни амалга оширишда манфаатдор вазирликлар, идоралар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ҳокимликлар, корхоналар ва ташкилотлар иштирок этади. Хусусан, корхоналар (иш берувчилар), коллежлар, битирувчилар ўртасида тузиладиган уч томонлама шартномалар самарадорлигини ошириш ва шартнома шартларига риоя этилишини таъминлаш, коллежлар битирувчиларини ишга қабул қилаётган кичик корхоналар учун белгиланган имтиёزلардан фойдаланиш кўзда тутилади. Барча вилоятлар марказларида, йирик шаҳар ва туманларда, салоҳиятли иш берувчиларни жалб этган ҳолда, 1200 га яқин ихтисослаштирилган иш ўринлари ярмаркалари ўтказилади.

Бу ўринда асосий масалалардан бири Меҳнат кодекси ва «Аҳолини иш билан таъмин-

Дастур йўналишлари Халқаро меҳнат ташкилоти тавсияларига мувофиқ келади. Хусусан, унда ёшлар, меҳнат мигрантлари ва аёлларни ишга жойлаштириш юзасидан тегишли чоралар белгиланган.

лаш тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга мувофиқ жорий қилинган меъёрларни амалга ошириш ҳисобланади.

2015 йилда меҳнат мигрантлари бандлигини таъминлаш бўйича махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилади. Жумладан, меҳнат мигрантларига юқори малакани талаб этмайдиган бўш иш ўринларини таклиф этиш, ишлаб чиқаришни (хизмат кўрсатишни) ташкил этиш ва иш ўринлари яратиш шарти билан фойдаланилмаётган объектларни «ноль» қийматида топшириш, бўшаб қолган ер майдонларини бериш ва турли кредитлар ажратиш кўзда тутилмоқда.

— Келтирилган маълумотлар, рақамлардан ҳам кўриниб турибди, 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури — кенг қўламли дастур. Фуқароларнинг устувор ҳуқуқларидан бўлмиш меҳнат ҳуқуқларини рўйбга чиқаришда, турмуш фаровонлигини оширишда унинг аҳамияти беқиёс. Демак, Дастурнинг ижро механизми мукамал даражада ва масъулият билан ташкил этилиши талаб қилинади. Дастур ижроси, унинг мониторинги бўйича йил давомида қандай ишлар қилиниши режалаштирилган?

— Дастур ижросини таъминлаш энг долзарб вазифа

бўлиб қоляпти. Бу борадаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳар йили тегишли чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитасининг электрон ахборот тизимидан фойдаланиб, Дастурнинг туман ва шаҳарлар, тармоқлар ва аниқ корхоналар бўйича бажарилиши тизимли ҳамда доимий мониторинг қилинади.

Дастур ижроси реал вақт режимида таҳлил этиб борилади. Ушбу механизм тасдиқланган иш ўринлари ташкил этиш параметрларидан ортада қолиши кузатишга корхоналар ва тармоқларни, бандлик йўналишларини, шунингдек, туманлар ва шаҳарларни аниқлаш имконини беради. Шу орқали дастур ижросини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш мумкин бўлади.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси яратилган иш ўринлари тўғрисида тезкор маълумотлар ва давлат статистика ҳисоботларини мувофиқлаштириш чораларини кўради. Иш ўринларининг тугатилиши ва тугатилиш сабаблари бўйича статистик ҳисоб-китоб йўлга қўйилиши белгиланган.

Иқтисодиёт вазирлиги томонидан инвестиция, маҳаллийлаштириш, инфратузилма, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳамда бошқа дастурлар асосида яратиладиган иш ўринлари мониторинги амалга оширилади.

Дастур ижроси мониторинги ҳамда умумлаштирилган таҳлилий ахборот ҳар ойда Ҳукуматга киритиб борилади. Уларнинг натижалари Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишларида вазирликлар ва идоралар, ҳокимликлар ва йирик корхоналар раҳбарлари иштирокида муҳомама қилиниб, тегишли чоралар белгиланиши кўзда тутилган.

Шу ўринда айтиш керакки, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ва фракцияларнинг ҳақдорлигида бандлик дастури ижросини ўрганиш, бу борада депутатлик, парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича муайян тажриба тўпланган. Келаси йилда бу тажриба дастур ижросига муносиб ҳисса қўшишда, партияимиз электроти манфаатларини ишончли ва самарали ҳимоя қилишда асқотади, деб ўйлайман.

«Ўзбекистон овози» мухбири Тўлқин ТУРАХОНОВ сўхбатлашди.

Сўз — қурултой делегатларига

Абдуғаффор ҚИРГИЗБОЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— Партияимиз раҳбари маърузасида қурултойдан қурултойгача бўлган даврдаги ишлар чуқур таҳлил этилди, камчиликлар очиб танқид қилинди. Шунингдек, эътибор қаратишимиз зарур бўлган масалалар кўрсатиб ўтилди. Масалан, партияимизнинг жамоатчилик орасидаги нуфузини ошириш энг муҳим вазифалардан биридир. Чунки бугунги одамларнинг фикри, дунёқараши ўсиб бораёпти. Ижтимоий психология ўзгарапти, таъсир этиш усуллари ва йўллари ривожланаёпти. Биз ҳам шундан хулоса чиқариб ишлашимиз зарур.

Ўтган давр мобайнида Сайловолди дастури ижросини таъминлаш бўйича амалга оширган ишларимиз, одамлар эътироф этган ташаббусларимиз партияимизнинг жамиятдаги обрўси мустаҳкамлашни, жамоатчилик ўртасида эътибор қозонишида муҳим аҳамият касб этади, албатта. Маълумки, партияимиз турли лойиҳалар доирасида, шунингдек, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда хилма-хил тадбирлар ўтказиб, уларнинг мазмуни ва тафсилотини жамоатчилик, электротаркибларга етказишда оммавий ахборот воситалари билан фаол ишламоқда.

Шухрат ТУРСУНБОЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— 2009 йилдаги сайловлардан кейин мамлакатимиз сайлов қонунчилиги янги меъёр ва қоидalar билан янада бойиди. Сайловлар очик ва ошкора, демократик принциплар асосида ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари умумэтироф этилган халқаро талабларга янада мослаштирилди. Бунда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган натижаларига амалга ошиши муҳим ўрин тутди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунлар ҳар томонлама тақомиллашгани сайловларнинг демократик тартиб-қоидалар асосида ўтишига хизмат қилди. Қонунчиликка кўра, сайлов жараёнининг барча босқичларида сиёсий партиялардан кузатувчилар, ОАВ вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар

иштирок этади. Умуман, сайловга тайёргарлик қириш ҳамда уни демократик принциплар асосида ўтказиш борасида етарли шароит яратилган.

Шундан келиб чиқиб, сайлов кампанияси даврида улардан унумли фойдаланишимиз керак. Биз сайловлар жараёнида нафақат партия вакили, шу билан бирга сайлов қонунчилиги ижросига масъул кишилар сифатида иштирок этишимиз талаб этилади. Агар қонунларда белгиланган меъёрлар қай даражада бажарилаётганини ҳар бир босқичда кузатсак, жамоатчилик назорати ўрнатилганда фаол қатнашсак, бу ҳам сайлов натижаларига ижобий таъсир этади. Яъни, биз қонунларни чуқур ўрганиш ва уларга риоя қилиш орқали партияимиз муваффақиятига ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Меҳроҳ ДАРХОНОВ, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси ўринбосари:



— Қурултойда таъкидланганидек, сайловларнинг натижалари сиёсий партияларнинг бу муҳим синовга қандай тайёргарлик кўрганига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ривожланган демократик мамлакатларнинг таърибиде сайловолди ишларини ташкил этишнинг тартиб-қоидалар асосида ўтишига хизмат қилди. Қонунчиликка кўра, сайлов жараёнининг барча босқичларида сиёсий партиялардан кузатувчилар, ОАВ вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар

тегишли кенгашлар раислари раҳбарлик қилади. Сайлов округлари қошида тузилган штабларга эса депутатликка номзод ёки унинг ишончли вакилларидан бири раҳбарлик қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, минтақавий ва маҳаллий партия кенгашлари ва сайлов округларида тузилган сайлов штаблари учун марказий сайлов штаббининг қарорларини ижро этиш мажбурийдир. Айни кунларда ишчи гуруҳлар томонидан ҳудудларда замонавий сайлов технологиялари ҳамда сайлов тарғиботига бағишланган қатор ўқув-семинарлар ўтказилмоқда.

Сайлов округларига бошлангич партия ташкилотларини бириктириш, штаб таркибининг тузиш ва бошқа масалаларни зудлик билан ҳал этишимиз зарур. Бу сайловларда муносиб иштирок этишимизда, депутатликка кўрсатилган номзодларнинг галабаси кафолатлигида принципал аҳамиятга эга.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

«Биз сайловда муносиб иштирок этамиз»

ЎзХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти «Менинг биринчи сайловим» лойиҳаси доирасида семинар-тренинг ўтказди.

Унда Марказий Кенгаш масъул ходимлари, «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ёшлар ва педагог-психологлар иштирок этди.

Сайловларда биринчи марта қатнашадиган ёшларнинг сайлов қонунчилиги тўғрисидаги тушунчаларини бойитиш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирда сайлов кампанияси жараёнлари, сайловларга оид қонун ҳужжатларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сайловларнинг ўрни ва роли ҳақида тушунчалар берилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Ҳафиза Каримова Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантиришнинг аҳамияти тўғрисида сўз юритди.

— Мамлакатимизда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган, — деди у. — Бу ҳуқуқ фуқароларнинг референдумларда, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловида қатнашиши орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси фуқаро-

лари ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий маъқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, маълумотининг тури ва ҳусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эга экани барчамизга маълум. Хусусан, сиз, ёшлар ҳам бу жараёнларда ўз овозингиз билан муносиб иштирок этишимиз муҳим аҳамиятга эга.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Хайрулла Рўзметов ёшларнинг сайловда иштироки ва яратилган ҳуқуқий механизмлар ҳақида фикр юритди.

— Ёшлар мамлакатимизда шаклланган демократик принципларга асосланган сайлов тизими, бу борадаги қонунчилик ҳақида яқини билишлари зарур, — деди у. — Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар орқали сайловолди таш-



Самар ШОТУЛДАНОВ олган сурат.

виқоти тушунчаси тўла очиб берилди.

Сайловолди ташвиқоти сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни депутатликка номзод ёки сиёсий партия учун овоз беришга ундашга қаратилган фаолият сифатида таърифланди ҳамда сайлов кунини ва сайлов бошланишидан бир кун олдин сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди. Мамлакатимиз сайлов қонунчилигидаги каби ўзгаришлар фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш борасида муҳим қадам бўлди.

Тошкент давлат шарқшунослик институти 3-курс талабаси Аҳмаджон Жўраев тадбир жуда фойдали бўлганини таъкидлади.

— Давра сўхбати давомида сайлов жараёнлари, сайлаш ва сайланиш тартиби, сайлов ҳуқуқлари, сайлов қонунчилиги ҳақида янада кўпроқ билиб олдим, — деди у. — Мен бу йил сайловда биринчи марта қатнашаман.

Тадбирда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилбар Холиқова, Тошкент давлат шарқшунослик институти проректори Шавкат Орипов, ЎзХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Шохруҳ Абдураҳмонов мавзу бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди. Ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Гулрўх ОДАШБОЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

ҲУҚУҚИЙ ИСЛОХОТ

Ярашув институти

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш, эркин фуқаролик жамиятини барпо этишдан кўзланган бош мақсад фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялашдир. Ҳуқуқий ислохотлар ҳақида гап кетганда, ярашув институтининг аҳамияти тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Бағрикенглик ва кечиримли бўлиш каби миллий анъаналаримизни инобатга олиб, ярашув институти жорий этилди.

Тошкент давлат юридик университети профессори Баҳром Аҳоров муҳбиримизнинг ушбу долзарб масалага оид саволларига жавоб берди.

— Истиклол йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим тарихий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими тубдан ислоҳ қилинди, — дейди у. — Жазолардан озод қилиш институтларининг такомиллаштирилиши эса жазо тизимини либераллаштиришга қаратилган ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг изчил, тадрижий ва узлуқсиз давом этаётганини кўрсатади.

Жиноят қонунчилиги либераллашувининг муҳим ютуқларидан бири ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш институтининг жорий этилиши бўлди.

— Қандай тоифадаги жиноятларга нисбатан ярашув институти қўлланилади?

— Ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш ЖК 66¹-моддасида белгиланган бўлиб, шахс ЖК 66¹-моддасида кўрсатилган жиноятлардан бирини содир этса, айбига иқроор бўлса, жабрланувчи билан ярашса, етказилган зарарни барқараф этса, илгари оғир ва ўта оғир жиноятлар учун судланмаган

бўлса, унга нисбатан жавобгарликдан озод қилишнинг мазкур тури қўлланилади. Жавобгарликдан озод қилишнинг бу тури бошқаларидан шуниси билан фарқ қиладики, унга кўра, жиноятни содир этган шахс жавобгарликдан озод қилиниши учун



Жиноят содир этган шахснинг етказилган зарарни уч карра миқдорда қоплашининг ўзи унинг ахлоқан тузалиш йўлига ўтганлигидан далолат беради.

жабрланувчига етказилган зарарни тўла қоплаб, у билан ярашган бўлиши ва жабрланувчи ярашишга розилик бериши лозим.

Суд амалиётига 2001 йилдан бошлаб ярашув институти киритилди ва у самарали фаолият кўрсатмоқда. Ярашув институтининг талабига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлма-

ган жиноий қилмишни содир этган шахс жабрланувчига етказилган зарарни тўла қоплаб берган тақдирда жиноий жавобгарликдан озод қилинади.

Жиноят қонунчилигининг либераллашуви давом этар экан, ярашув институти қўлланиши мумкин бўлган жиноятлар сони ҳам ортиб бораверади. 2013 йил 4 январда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунига асосан киритилган ўзгаришлар натижасида ҳам ЖК 66¹-моддасига кўра, ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш мумкин бўлган нормалар сони кўпайиб, ЖК 180, 181, 189, 191-моддаларда назарда тутилган жиноятларни содир этган шахсларга ҳам мазкур институт қўлланиши киритилди. Бу жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар таснифига ки-

ЖК 180, 181-моддаларида сохта банкротлик ва банкротликни яширганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, ҳар икки жиноятда ҳам кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилиши жиноий оқибат сифатида назарда тутилади. Демак, бу жиноят натижасида келиб чиқадиган оқибатлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг (шартномавий) бажарилмаслигидир. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг асосларидан бирини мулккий муносабатлар ташкил этиб, кредитор ҳар доим ўзига тегишли бўлган мулкнинг қайтарилишидан ёки унга етказилган зарарнинг қоплашидан манфаатдор саналади. Қарздорнинг ўзини сохта банкрот деб эълон қилиши ёки банкротлигини яшириш орқали жиноят содир этиб, жиноий жавобгарликка тортилишдан кўра, кредиторларга етказилган зарарнинг қоплашиши қарздор учун ҳам, кредитор учун ҳам фойдалидир. Чунки ҳар қандай жиноят учун жавобгарликка тортилиш судланганлик оқибатини келтириб чиқаради.

Шу сабабли ушбу жиноятларга нисбатан ярашув институтининг қўлланиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун жиноят содир этган шахс етказилган зарарни қоплаши, айбига иқроор бўлиши, жабрланувчи билан ярашиши муҳимдир.

ЖК 180, 181-моддаларида рағбатлантирувчи қисм мавжуд бўлиб, агар шахс етказилган зарарни уч карра миқдорда қоплаган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тартиқасидаги жазо қўлланилмайди. Бу қоида инсонпарварлик принципининг амалий ифодаси бўлиб, жиноят содир этган шахснинг етказилган зарарни уч карра миқдорда



қоплашининг ўзи унинг ахлоқан тузалиш йўлига ўтганлигидан далолат беради.

Етказилган зарарни қоплашнинг учун озодликдан маҳрум қилиш жазосининг бошқа жазо билан алмаштирилиши ёки ярашувнинг қўлланилиши жиноят содир этган шахсга нисбатан жавобгарлик ва жазодан озод қилиш асосларини кенгайтириб, инсонпарварлик тамойилининг қонунчилигимизда ўз ифодасини топаётгани ва жиноят қонунининг янада либераллашиб бораётганидан далолат беради.

— Ярашув институтидан аввало ким манфаат кўради?

— Ярашув аввало жабрланувчи манфаатига хизмат қилади. Биринчидан, жабрланувчига етказилган зарар тез ва тўла қоплашиши таъминланади. Энг муҳими, ярашув жамиятда судланганлик ҳолатини камайтириш билан бирга, унинг узоқ давом этадиган оқибатларини барқараф қилиш имкониятларини беради. Энг асосийси, судланувчи бу орқали «судланган» деган тамадан халос бўлади. Бу қаидада шунча жабрланувчининг бузилган ҳуқуқи тикланишига сабаб

бўлади. Ярашув институти жорий этилиши амалиётда ўзининг ижобий жиҳатларини кўрсатганлигига кўп-кўп миқдорда келтириш мумкин. Айни пайтда дастлабки тергов ишларини олиб бериш ва ишни судда қўриб чиқиш учун сарфланадиган мuddатлар анча қисқарди. Агар ўзбек тилининг изоҳли луғатига назар ташласак, «яраш», «ярашмоқ» сўзлари ўзаро жанжални тўхтатмоқ, урушмасликка аҳд қилмоқ, муносабатни яхшиламоқ, то-тувланмоқ маъносини беради. Шу маънода, адашиб хато қилганларни тўғри йўлга солиш, ҳаётда ўз йўлини топишда кўмаклашиш, кечиримлилик каби олижаноб мақсадларни ўзида мужассамлаштирган ярашув институти шубҳасиз инсонпарварликнинг ёрқин намунасидир.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимига ўтказилган ислохотлар туфайли қонунларимиз либераллашиб, инсон ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинадиган бўлди.

«Ўзбекистон овози» мухбири Равшан ШОДИЕВ суҳбатлашди.



Китоб дўкониди ёки кутубхонада умуман бўлмаган

Британиянинг Миллий саводхонлик жамғармаси ўтказган сўров-тадқиқот натижалари ачинарли хулосаларни берди. Яъни сўровда 8 ёшдан 16 ёшгача бўлган 18 минг нафар ўспирин иштирок этган бўлса, ҳар учтадан бирининг умуман китоби йўқ экан. Ҳуқуқчилар, ёзувчи ва шоирлар ҳамда журналистлар бу ҳолатни ҳалокатли, деб баҳоладилар.

Сўровда қатнашган оилаларнинг 33,2 фоизда бирор донда китоб топилмагани кўпчиликини ўйлангандир. Бу 3,8 миллион кишида китоб ўқиш имконияти йўқлигини аниқлатади.



Британия ўқитувчиларининг гаплари қараганда, ўспиринларнинг маданият даражаси кейинги йилларда ўсиш ўрнига тушиб бормоқда. Бундан 7 йил аввал ҳар 10 нафар ўспириннинг бирида китоб йўқлиги аниқланган.

Дароқе, Миллий саводхонлик жамғармаси ўтказган яна бир тадқиқотда аниқланишича, 12 фоиз ўспирин китоб дўкониди, 7 фоиз кутубхонада умуман бўлмаган, 19 фоизга ҳеч ким китоб совға қилмаган.

Кўк чой

Биринчи ўринда Америкада парҳезишунослар организмда ёғни парчловчи маҳсулотлар рейтингини эълон қилди.



Бу борада кўк чойга етадигани йўқ экан. У организмда модда алмасишуви жараёнини бир неча бараварга ошириш қувватига эгаллиги билан ажралиб туради. Иккинчи ўринда эса грейпфрутлар (цитруслар туркумига мансуб апельсинсимон мевали дарахт ва унинг меваси) туради. Оксиген бой маҳсулотлар, яъни ёғсиз балиқ ва гўшт маҳсулотлари ёғни энергияга айлантиришга кўмаклашувчи восита сифатида учинчи ўринни «ишғол» этган, дейилади «Аргументы и факты» ҳафталигида чоп этилган ахборотда.

Инсулътдан сўнг

Мия ҳужайралари ўзини ўзи тиклайди

Лунд университети ва Каролина институти олимлари ўтказган тадқиқотлар шунини кўрсатдики, дейилади «Мир новостей» ҳафталигида чоп этилган ахборотда, айрим инсулътлар шуниси билан ажралиб турадики, бундай инсулътдан кейин мия ҳужайралари ўзини тиклаши ва мия фаолияти жойига қайтади.



Маълумки, хасталик «зарба»сидан сўнг айрим асаб тўқималари қуриб қолади. Бирок вақт ўтиши билан улар ўрнида янги тўқималар пайдо бўлиши аниқланади.

Сичқонларда кислород етишмовчилиги оқибатида ўз берган инсулътнинг тадқиқ қилиш натижалари олимлари айнан шундай хулосага келишган ундади. Яъни уларда маълум вақтдан сўнг янги ҳужайралар пайдо бўлган ва улар ўсиб, қуриб қолган асаб тўқималари ўрнини босган.

Юрт ободлиги, Qishloq Qurilish Bank аҳоли фаровонлиги хизматида

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки Сурхондарё минтақавий филиали аҳолига замонавий банк хизматларини тақдим этиб, ҳудудда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Молия муассасаси томонидан 4 та хизмат кўрсатиш шохобчаси орқали халқаро пул ўтказмалари, масофавий банк хизматлари, СМС-банкнинг, Интернет банкинг, Инфокиоск ва минибанклар орқали кенг қўламли банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида банкнинг капиталлашув даражаси ва узоқ мuddатли депозит-

лар ҳажмини ошириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида филиал соф активлари 96 273, 6 млн. сўмни, жами кредит портфели 89 729,9 млн. сўмни ташкил этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро

ФАОЛИЯТИМИЗ КЕНГАЙИБ, ЯНГИ ИШ ҲИСОБИ ЯРАТИЛДИ
Бизнинг «Термиз тезкор қурилиш» ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш корхонамиз банк томонидан ажратилган кредит асосида ўз фаолиятини янада ривожлантирмоқда. Ўз вақтида кўрсатилган молиявий кўмак туфайли Сурхондарё вилоятида замонавий архитектура дизайни асосида қурилиш ҳамда монтаж хизматларини йўлга қўйишга муваффақ бўлди.

Жорий йилнинг май ойида корхонамиз фаолиятини кенгайтиришни режалаштирдик. Бизнес-режа тузиб, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Сурхондарё минтақавий филиалига тақдим этдик. Лойиҳамиз тезда маъқулланиб, 400 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди. Сармоядан унумли фойдаланган ҳолда қурилиш материаллари ва бошқа зарурий жиҳозлар сотиб олдик. Қувонарлики эса лойиҳа амалга ошиши натижасида 10 та янги иш ўрни ҳам яратилди.

Келгусида яна банкдан кредит олиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштирмоқдамиз.


Муҳаммадали АЛЛАМУРОДОВ, «Термиз тезкор қурилиш» ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш корхонаси раҳбари.

ЎЗАРО ИШОНЧ — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Мамлакатимизда яратилган қўлай ишбилармонлик муҳити тадбиркорлик фаолияти ривожланишига хизмат қилмоқда. Хусусан, биз ҳам мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Сурхондарё минтақавий филиалидан гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида 200 миллион сўм миқдорда кредит олдик. Мазкур сармоя ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва маҳсулотлар сифатини ошириш имкониятини яратди. Энг муҳими, хомашё ўзимизда қайта ишланиб, даромадимиз ҳам ўсди. Молиявий мадад туфайли 23 нафар йигит-қиз доимий иш жойига эга бўлди.

Хозирда фахр билан айта оламанки, корхонамиз гиламлари юртдошларимиз хонадонларига кўрк бахш этиб турибди. Мижозларимиз сони ортаётгани ҳам буни исбот қилмоқда. Албатта, эришаётган ютуғимиз, нафақат бизники, балки молиявий ҳамкоримиз — АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»ники ҳамдир. Зеро, «Ўзаро ишонч — ютуқлар гарови», деб бежиз айтилмайди.

Баҳодир АЛПОМИШЕВ, «Алп-Баҳодир нор» кўп тармоқли ишлаб чиқариш хусусий корхонаси раҳбари.



рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги қарори ижроси юзасидан олиб борилган ишлар натижасида филиалдаги жами омонатлар жорий йил 1 октябрь ҳолатига 3 331,4 млн. сўмга етган.

Вилоятда тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар қурилишида АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Сурхондарё минтақавий филиали фаол қатнашмоқда. Чунончи 2009-2014 йиллар давомида намунавий лойиҳалар асосида жами 3499 та уй-жой қурилиши молиялаштирилди.

Бир сўз билан айтганда, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Сурхондарё минтақавий филиали юрт ободлиги, аҳоли фаровонлиги йўлида хизмат кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб олган. Бу эса филиалнинг худуд молия-банк тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг фаол ижроси сифатида эътироф этилишига хизмат қилади.

Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Экспорт ҳажми ортимоқда



— Жорий йилнинг ўтган даврида бир қанча ишлар амалга оширилди, — дейди Жамгарманин Тошкент вилоят филиали директори Бекзод Алибеков. — 90 дан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти, жумладан, «Wight Line Business» МЧЖ, «Latif-Sers» МЧЖ, «O'zkorleks», «Bemid-tom» МЧЖ, «Азалея Гармент» ҚК ва бошқаларга ташкилий, ҳуқуқий, консултатив хизматлар, экспорт шартномалари тузиш ва рўйхатдан ўтказишда амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада умумий қиймати 90 млн. АКШ долларидан ортиқ маҳсулотлар Қозғоғистон, Қирғизистон, Хитой, Россия, Озарбайжон ва бошқа давлатларга экспорт қилинди. Шунингдек, жамгарманин саъийи харакатлари билан Бекободдаги «Greater-Victory» хусусий корхонаси ва Россиянинг «РНП» акциядорлик жамияти ўртасида экспорт шартномаси тузилиб, жорий йил охиригача

кўшимча 1,8 млн. долларлик маҳсулот экспортини амалга ошириш режалаштирилган.

Вилоятнинг барча туманларида ҳўжалик субъектлари вакиллари иштирокида ўтказилаётган давра суҳбатларида жамгарма томонидан кўрсатилаётган хизматлар, тадбиркорлар учун яратилаётган қўлайликлар, имтиёзлар ва шароитлар ҳамда чет давлатларда ўтказилиши режалаштирилган кўргазма ва ярмаркалар ҳақида батафсил маълумотлар бериб берилмоқда.

Жамгарма филиали мутахассислари томонидан олиб борилаётган бу каби ишлар, кўрсатилаётган хизматлар ҳамда молиявий кўмак вилонинг саъийи харакатлари билан Бекободдаги «Greater-Victory» хусусий корхонаси ва Россиянинг «РНП» акциядорлик жамияти ўртасида экспорт шартномаси тузилиб, жорий йил охиригача

Шаҳноза РЎЗИЕВА

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

БУГУННИНГ ГАПИ

Шамоллаш ва грипп

касалликларидан қандай сақланиш мумкин?

Бу ҳақда республика Давлат санитария-эпидемиология хизмати ходими, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали врач Нуриддин ТОШБОЕВ мухбири-мизга қуйидагиларни гапириб берди.

— Кун ўтган сайин ҳаво салқинлашиб, қиш фасли яқинлашганидан дарак берапти. Совуқ кунлар бошланиши билан шамоллаш ва грипп касалликлари кўпаяди. Бу ҳол одамларга кўп ташвиш келтиради. Халқда касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олиш осон, деган ҳикматли гап бор. Демак, ўз-ўзидан савол туғилади: Бу дардларга йўлқаслик учун нима қилиш керак, қандай профилактик тадбирлар орқали бу касалликларнинг олдини олиш мумкин? Шамоллаш ва грипп — тана ҳароратининг кўтарилиши ва юқори нафас йўлларидаги яллиғланиши билан кечадиган ўткир юқумли вирусли касаллик бўлиб, ҳаво-томчи йўли билан юқди, жуда тез тарқалади ва ер шарининг барча давлатларида учрайди. Бемор гапирганда, йўталганда, аксирганда вирус ҳавога чиқади ва шу ҳаводан нафас олган соғлом киши касалликка чалиниши мумкин. Шунингдек, бемор фойдаланган дастурмол, сочик, ўйинчоқлар ва бошқа майиш буюмлар ҳам унинг юқтирувчиси ҳисобланади.

Хар қандай юқумли касаллик мавсумийликка хос. Грипп касаллигининг динамик кўтарилиш даври совуқ фасллари — куз, қиш ва баҳор ойлари ҳисобланади. Ушбу мавсумларда касалликнинг ортишига ҳаво ҳароратининг пасайиши, юқори нафас йўлларидаги яллиғланиши, витаминлар танқислиги сабаб бўлади. Касаллик эт увишиши, тана ҳароратининг (39-40Сгача) кўтарилиши, бошда ва мушакларда оғриқлар бўлиши билан бошланади. Кейинчалик танглай муртақларининг қизариши, бош айланиши, кўнгил айниши, уйқунинг бузилиши, бурун битиши, оғриқли йўтал кузатилади. Гриппнинг оддий шамоллаш касаллигидан фарқи шундаки, шамоллаш касалликларига ишлатилган антибиотиклар гриппга таъсир қилмайди ва яхши парваришни талаб этади.

Халқ орасида «грипп ўзи билан эмас, балки асорати билан ҳавога» деган ибора бежиз айтилмаган. Баъзилар грипп касаллигига етарли даражада эътибор бермасдан оёқда юриб ўтказиши ёки

бўлмаса шифокор тавсиясига амал қилмай хар хил турдаги дори воситалардан, айниқса, антибиотиклардан нотўғри фойдаланади. Оқибатда вируснинг чидамлиги ортиб кетади ва натижада ўпка тўқимасининг яллиғланиши (эпителит), мия пардасининг яллиғланиши (менингит), қўлқоннинг яллиғланиши (отит), бурун ёндош бўшлиқларининг яллиғланиши (синусит) каби оғир асоратлар юзага келиши мумкин. Шунинг учун агарда инсонда грипп алomatлари пайдо бўлаётган бўлса, дарҳол оилавий поликлиникалар, ҚВП ва юқумли касалликлар шифохоналарида фаолият юритаётган шифокорларга мурожаат қилиш ёки уйга чақириб, уларнинг тавсияларини олиш зарур. Бундай йўл тутган киши нафақат ўзини, балки оила аъзолари ва атрофдаги яқинларини ҳам ушбу касалликнинг оғир асоратларидан асраган бўлади.

Кейинги йилларда грипп касаллигининг мавсумий кўтарилишидан олдин аҳоли орасида эмлаш ишларини ўтказиш яхши натижа бермоқда. Вакцина гриппнинг юқидишидан ҳимояловчи самарали восита ҳисобланади. Эмланган аҳолида 1-1,5 йилгача грипп касаллигига қарши иммунитет пайдо бўлади.

Бундан ташқари, касалликнинг олдини олиш борасида



қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим. Бунда уяшган жамоат жойлари — концерт заллари, кинотеатр, ўқув ва иш жойларини кунига 3-4 мартаба шашифононаларида фаолият юритаётган шифокорларга мурожаат қилиш ёки уйга чақириб, уларнинг тавсияларини олиш зарур. Бундай йўл тутган киши нафақат ўзини, балки оила аъзолари ва атрофдаги яқинларини ҳам ушбу касалликнинг оғир асоратларидан асраган бўлади.

вақти-вақти билан исериқ тутатиш ҳам тавсия этилади. Исирик таркибидagi гармалин моддаси вирусни нейтраллаш хусусиятига эга. Соғлом одам бурун қавакларига оксалин мазидан суриб юрса, грипп юқидишининг олдини олишда самара беради. Бу пайтда ҳар бир шахснинг кун ва иш режимига риоя қилиши, ҳаракатли машқлар, сув муолажалари билан танани мунтазам равишда чинқиртириш, тўғри овқатланиш, мавсумга мос ки-йинишга риоя қилиши муҳим саналади. Дарвоқе, пишкичлик мавсумларида мева ва сабзавотлардан кўпроқ истеъмол қилиш шамоллаш ва гриппга чалинмасликнинг ишончли чораларидан ҳисобланади. Ҳозирги совуқ кунларда суюқликлар (малина, смородина, лимон ва асал қўшилган чой, иссиқ сут, наъматак дамламаси) ичиш тавсия эти-

лади. Уларнинг таркибида витамин С мавжуд. Витамин С қонда лимфоцитлар сонини кўпайтириб, қон томир деворларининг ўтказувчанлигини яхшилайти ва вирусларнинг қонга тушишининг олдини олади. Бир сўз билан айтганда, С витаминига бой бўлган таом ушбу касалликларга қарши курашувчанликни орттиради ва одам организмнинг иммунитетини мустаҳкамлайди.

Кундалик турмушда юқорида айтиб ўтилган тавсияларга амал қилинса, ҳар биримиз грипп касаллигининг олдини олишга ўз ҳиссамизни қўшган бўлаемиз ва ўзимизни ҳамда атрофдагиларни грипп ҳамда юқори нафас йўлларидаги ўткир респиратор хасталикларидан асраган бўлаемиз.

«Ўзбекистон овози» мухбири Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ ёзиб олди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Ёшлар янги иш ўринларига эга бўлмоқда

Навий виллоятнинг Қизилтепа туманида янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Натижада янги ва замонавий корхоналар қад ростлаб, ишлаб чиқариш кўлами тобора ортиб бораёпти. Биргина жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида туманда 4484 та янги иш ўрни яратилди. Иш билан банд бўлган аҳолининг қарийб 80 фоизи касб-хўна қоллежлари битирувчилари-дир.

«Villa plus» масъулияти чекланган жамиятининг иш бошлаши натижасида 12 нафар ёш бандлиги таъминланди. Мазкур корхона асосан қурилиш-монтаж ишлари билан шуғулланади.



— Шу йил Қизилтепа агроиқтисодиёт касб-хўна коллежини тавомилдм, — дейди Шўхрат Бозоров. — Меҳнат ярмаркасида иштирок этиб, «Villa plus» корхонасига ишга қабул қилиндим. Ойлик маошлари яхши экан. Коллежда олган назарий билимларимни амалиётга татбиқ этмоқдам. Ҳозирда туманимизда қад ростлаётган намунавий лойиҳа асосида бунёд этилаётган уй-жойлар қурилишида иштирок этаётган. Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига оз бўлса-да ҳисса қўшаётганимдан мамнунман.

Илҳом САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

2014 йил — соғлом бола йили

«Нўхат полвон»

биринчи тўлиқ метражли ўзбек мультфильми

«Ўзбекфильм» киностудияси қошидаги мультпликацион фильмлар ишлаб чиқариш бirlашмаси «Ўзбеккино» Миллий агентлиги буюртмасига биноан миллий кинематография тарихида илк марта «Нўхат полвон» тўлиқ метражли мультпликацион фильмини яратишга қаришди. Бу ҳақда uzbekkino.uz сайти хабар бермоқда.



Дастлаб тўлиқ метражли мультфильм сценарийси учун ижодий танлов шартлари ишлаб чиқилиб, матбуот ва интернет нашрларида эълон қилинди. Танловда кўплаб ижодкорлар иштирок этди.

Улар тақдим этган асарлар белгиланган мезонлар асосида ўрганиб чиқилди. Агентлик бадий кенгаши қарорига биноан Исмоил Шомуродовнинг ўзбек халқ эртақлари асосида ёзилган «Нўхат полвон» сценарийси голиб бўлди. Айни пайтда мазкур сценарий бўйича «Ўзбекфильм» киностудияси қошидаги мультпликацион фильм метражли мультпликацион фильм яратиш ишлари қизгин давом этмоқда.

Мультпликацион раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Мавзур Махмудовнинг таъкидлашича, бу ишга Нозим Тўлаҳўжаев, Дмитрий Власов сингари таниқли режиссёрлар бошчилигидаги мультпликация гуруҳи жалб этилган. Эътиборлиси, мазкур ижодий лойиҳада кўплаб истеъдодли ёш аниматор ва расомлар ҳам қатнашмоқда. Уларнинг анимация соҳасидаги билим ва малакасини ошириш мақсадида мультпликацияда махсус ўқув курслари ҳам ташкил этилди.

Ҳозирги пайтда мультфильм қаҳрамонларининг эскизлари чизилиб, тайёр холатга келтирилди. Шу кунларда эса образларни жонлантириш жараёни бошлаб юборилди. Мультфильмдан бир нечта қўшиқлар ҳам ўрин олади. Айни пайтда қўшиқлар матни ёзилиб, уларга куй басталанмоқда.

«Нўхат полвон» мультфильми 2015 йилда катта экранларга чиқади.

Эслатиб ўтамиз, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида ўзбек халқ эртақлари асосида тўлиқ метражли мультпликацион фильм ишлаб чиқариш вазифаси ҳам қўйилган эди.

Ўз мухбири-миз.

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2014 йил 25, 27 ноябрь ва 2, 4 декабрь кунлари тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали ташкил этиладиган такрорий савдоларга таклиф этади

Савдоларга, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темуր шоҳ кўчаси, 101-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Ташкилоти иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз улушлари қайта қўйилади:

Т/р	Объект номи	Сотилаётган объект		Савдога қўйилаётган объект бошланғич баҳоси	
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши	Сўм	АҚШ доллари
1	«KINDER FRUITS» МЧЖ	Тошкент виллоят, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-уй	Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш, концентратланган пюре ишлаб чиқариш	16 450 897 500,0	7 269 733,26
2	«FARG'ONA KIMYO ZAVODI» МЧЖ	Фарғона шаҳри, Нозим Ҳикмат кўчаси, 15-уй	Пахта целлюлозаси ва этил техник спирит ишлаб чиқариш	59 142 493 600,0	28 997 104,14
3	«NAMANGAN QO'G'OI» МЧЖ	Наманган шаҳри, Курувчилар кўчаси, 50-уй	Ёзув ва офсет қоғози ишлаб чиқариш	3 970 500 000,0	1 802 969,76
4	«NUKUS AGRO» МЧЖ	Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани, Самбай аули	Томат пастасини ишлаб чиқариш	1 785 453 700,0	853 018,82
5	«ASAKA MAK» МЧЖ	Андижон виллоят, Асака шаҳри, Т.Алиева кўчаси, 5-уй	Макарон ишлаб чиқариш	3 546 012 000,0	1 610 213,42
6	«VODIY MUZQAYMOG'I» МЧЖ	Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 5-уй	Музқаймоқ ишлаб чиқариш	1 064 409 000,0	521 871,45
7	«KOSONSOY TO'QIMACHI» МЧЖ	Наманган виллоят, Косонсой шаҳри, Истанбул кўчаси	Трикотаж ипи, жунли ва ярим жунли матолар, аделлар ишлаб чиқариш	24 500 000 000,0	11 125 238,40
8	«NAM TEX» МЧЖ	Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 94-б уй	Ип-кавала ишлаб чиқариш	10 787 016 789,82	4 898 291,16
9	«NAMANGAN TO'QIMACHI» МЧЖ	Наманган шаҳри, 4-кичик туман, Тўқимачилар кўчаси	Ип-кавала ишлаб чиқариш	62 941 505 000,0	28 228 561,11

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотиш шартлари:

Савдо голиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдоридан кам бўлмаган маблағни савдо ўтказилганда сўнг, бунак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Савдо объекти хўжалик жамияти фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши шarti билан сотилади.

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдигига фойзалар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар объектни ўзига бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «Ўзмилийтибанк» бундан мустасно) тўланади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати 7 йилдан ошмаслиги лозим.

Хужжатларни расмийлашти-

ришда зарур бўладиган давлат бож, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариал тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва сугурталаш билан боғлиқ харажатлар), савдо ташкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлар, савдо ташкилотчисининг савдонини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳамда юзага келадиган бошқа барча харажатлар харидор маб-лағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

✦ юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусخаси, шунингдек, савдода иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

✦ жисмоний шахслар учун — паспорт (истикомат гувоҳномаси) нусхаси, савдода ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрна-

тилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

✦ эълонда кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига закалат ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

✦ икки нусхадаги ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари:

✦ сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати, бизнес-режа.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар томонидан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган улушлар бошланғич баҳосининг 1 (бир) фоизи миқдоридаги закалат пулларини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 2020 8000 704 923 918 001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Талабгорлардан юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни ҳамда буюртмаларини қабул қилиш, расмий иш кунларида маз-

кур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо ўтказиш бошлангичдан қамда уч соат олдин тўхта-тилади.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишиш мумкин.

Савдоларга тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш, белгиланган савдо кунлари соат 11:00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Тему́р шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:

Сотувчи (Банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Тему́р шоҳ кўчаси, 101-уй; телефон: 234-11-22, 234-15-60; телефакс: 234-43-31.

Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Тему́р шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона; телефон: 233-02-49; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

ГҲВҲОҲМА № 005357

МУАССИС:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	MUHIDDIN	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonа — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1159 11112 Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'za yakuni — 21.10 Topshirilgan vaqti — 00.10

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV Behzod ABDUNAZAROV

